

## Йўлсозларга "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонлари топширилди



"Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонларини топширишга бағишлиланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Компания Бошқаруви раиси ва сўзга чиқсан бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Республикамиз иқтисодий ривожига ўзларининг муносаб ҳиссаларини қўшиб келаётган йўлсозларнинг бугунги заҳматли меҳнати – бунёдкорлик ва барқарорлик хукм сураётган, жаҳон сахнида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган Ўзбекистонимиз тараққиётига муносаб ҳисса бўлиб қўшилаётгани, бугунги эришаётган натижаларимизга айнан юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик сабаб эканини таъкидлашди.



Республикамизнинг турли ҳудудларида, жумладан, пойтахтда очилган янги – "Нурафшон" ва "Тараққиёт" кўчаларининг мамлакат инфраструктура-сини яхшиланишига қўшажак ҳиссаси улкан экани, бу борада эса заҳматкаш йўлсозларнинг меҳнати алоҳида таҳсинга сазовор бўлиб келаётгани, бу меҳнат Президентимиз ва хукуматимиз томонидан мунтазам равишда муносаб тақдирланаётгани ҳам фикримиз далилидир. 2016 йил 24 августда Президент Фармони билан тақдирланган юртдошларимиз орасида "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" тизимида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг ҳам борлиги – алоҳида қувончга сазовор. Тизимдаги ходимларнинг 6 нафари Республикамизнинг ана шундай юксак орден ва медалларига сазовор бўлдилар.

Тадбирда Президентимиз Фармони билан таъсис этилган "Ўзбекистон Мустақиллигига 25 йил" эсадалик нишонини тизимда меҳнат қилаётган ходимларга ва ишчи-хизматчиларга "Ўзавтойўл" АК Бошқаруви раиси А.Абдувалиев тантанали равишда топшириди.



Мукофотланганлар йўлсозлик соҳаси ривожи йўлидаги эътибори учун Юртбошимизга миннатдорлик билдириди.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати